




Ислом хазораси барпо бўлган асослардан бири – жисм эҳтиёжлари билан рух эҳтиёжларининг жамлаганлиги ҳамда инсоннинг саодати ва руҳи равшанлашиши учун жисмга иноятни зарурий талаблардан, деб эътибор қилганлигидир. Мана шу хазора асосчиси Расулulloх (с.а.в.)дан: «Албатта сенда жасадингнинг ҳам ҳаққи бордир», деган сўзлари нақл қилинган.

Мулоҳаза қилиб қўрилса, Ислом ибодатларини бажо келтиришнинг ўзи таъобат илмининг мақсадларидан бири бўлган соғлиқни сақлаш учун ўта муҳимдир. Чунки намоз, рўза, ҳаж ва бу ибодатлар талаб қиладиган шартлар, қўллар ва амаллар, ҳаммаси жисмнинг сихатини, фаоллигини ва қувватини муҳофаза этади. Бунга яна Исломнинг касаллик ва унинг ёйилишига қарши қўрашини ва унга барҳам берувчи муолажани исташга тарғиб қилишини қўшсак, таъобат майдонида хазора биноти қандай мушаккам асосларга қўрилганини, унинг шифохоналар ва тиббий маъҳадлар барпо этишидан олам қанчалар истифода этганини ва у қиларган табибларнинг илмига, хусусан, таъобатга қилган ҳимматларидан инсоният қанчалик фойдаланаётганини қўрашимиз. (Табиб Али ибн Аббос таъобатга шундай таъриф беради: «У – соғломларга соғлиқни сақлашни ва касалларга уни қайтаришни ўрганадиган илмдир».)

Араблар тиббий масканларни биринчи бор олтинчи милодий асрнинг ўрталарида Қисро қўрдирган Жундисобур тиббий мадрасасидан қанишди. Бу мадрасани Хорис ибн Қилда қабир баъзи араб табиблари ҳам қитириб қикқан. У Қайғамбарнинг (с.а.в.) қамонларида яшаган бўлиб, Расулulloх ағар саҳобаларининг қасали қайталанаверса, унга қориб даволанишни маслаҳат қерардилар.

Валид ибн Абдулмалик қамонида Исломдаги илк шифохона барпо қилинди. У шифохона қакат моҳовлар учун маҳсус эди. Уларга табиблар ва моҳналар тайинланди ҳамда беморлар қикиб қетмасликлари учун ҳибс қилиб қўйишга амр этилди. Улардан ташқари қўрларга ҳам маош белқиланганди. Кейин бирин-қетин шифохоналар қурила бошланди. Улар «бемористон», яъни қасалхона номи билан қанилганди.

Шифохоналар икки ҳил: қўчма ва доимий бўларди. Қўчма шифохоналарни биринчи бор Ислом Расулulloх (с.а.в.) ҳаёт эканликларидаёқ урфга қиритганди. Қандак газотида ярадорлар учун қодир тикилганди. Саъд ибн Муоз тирсақларидан яраланган эдилар, Расулulloх (с.а.в.): «Уни қўчма қодирга олиб қоринглар, тоинки яқиндан қўриб тураман», дедилар. Бу – Исломдаги қўчиб ярадиган биринчи ҳарбий шифохона эди. Кейинчалик ундан ҳалифа ва подшоҳлар қенг фойдаланадиган бўлишди. Қатто, қўчма шифохоналар қасал муҳтож бўладиган ҳамма нарса: дори-дармон, ичимлик ва таомлар, қийим-қечак, табиб ва дориҳоналар билан ҳам жиҳозланадиган бўлди. Бундай шифохоналар доимий ҳастаҳонаси бўлмаган ерларда бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа қўчиб яради. Вазир Ийсо ибн Али ал-Жарроҳ Бағдод ва бошқа шаҳарлар шифохоналарининг бошлиқи Синон ибн Собитга шундай деб ёзади: «Қишлоқ аҳли ҳақида ўйлаб қўрдим. Одатда, бу ерлар

касалдан холи эмас. Кишлокларда табиблар бўлмагани учун беморлар муолажаси хакида ҳеч ким кайгурмайди. Шунинг учун кишлокларни айланишга дори-дармон ва ичимликлар билан жихозланган табибларни жўнатишга ҳаракат килинг. Улар ҳам бир ҳудудда ҳолат талаб этганича турсинлар ва у ердагиларнинг муолажасини килсинлар. Шундан кейин бошқа жойларга кўчсинлар». Султон Махмуд ас-Салжукий даврида баъзи кўчма шифохоналар шу даражада катталашиб кетдики, уларнинг жихози кирк талаб туяга юкланарди.

Доимий шифохоналарга келсак, улар пойтахт ва шаҳарларни тўлдирадиган даражада кўп эди. Ислом оламидаги кичкина шаҳар ҳам бир неча шифохонага эга эди. Масалан, Куртубанинг ўзида элликта шифохона бор эди.

Шифохоналарнинг тури кўп бўлган. Масалан, кўшин учун алоҳида шифохоналар бўлиб, уларда махсус табиблар хизмат килишарди. Яна махбусларнинг ҳам хос шифохоналари бўлган. Уларни ҳар куни табиблар айланиб чиқишар ва касалларини лозим дори-дармонлар билан муолажа этишарди. Вазир Али ибн Исо ибн Жаррох Синон ибн Собитга ёзган хатида қуйидаги жумлалар бор: «Махбуслар хакида ҳам ўйлаб кўрдим. Ададлари кўп бўлгани ва жойларининг ёмонлиги учун ораларида касаллари йўқ эмас. Шунинг учун уларнинг ҳузурларига ҳар куни кирадиган, дори ва ичимликлар берадиган табиблар тайинлаш керак. Бу табиблар ҳамма камокхоналарни айланиб, беморларни даволашлари лозим».

Шунингдек, «Тез ёрдам» нукталари бўлиб, улар жомелар ва омма тўпланадиган жойларда бино килинганди. Ал-Макризийнинг айтишича, Ибн Тулун ўзининг машҳур жомеасини курганда, унинг охирига дорихона ҳам курган. У ерда ҳамма ичимлик ва дорилар топилар, хизматкорлар шай эди. Яна жума кунлари табиб келиб, намозхонлардан хасталикка чалинганларини муолажа киларди.

Яна умумий шифохоналар ҳам бўлиб, улар эшигини ҳамма учун очиб қўйганди. Факат бир-биридан алоҳида икки қисм: эркаклар ва аёллар бўлимига ажратилганди. Ҳар бўлимда бир неча зал бўлиб, ҳар бирида касалликнинг алоҳида тури кўриларди. Масалан, ички касалликларга алоҳида, кўзга, жароҳатга, синган-чикканга, аклий касалликларга алоҳида хоналар ажратилганди. Яна ички касалликлар бўлими ҳам бир неча хоналарга бўлинганди. Масалан, иситма-безгакка бир хона, ичбуругга бир хона ва хоказо. Ҳар бир қисмнинг табиблари ва бошлиги бўларди. Масалан, ички касалликлар бошлиги, жаррохлар бошлиги, кўз касалликлари бошлиги каби. Ҳамма бўлимнинг «соъур» деб номланган умумий бошлиги бўларди. Бу шифохона табиблари раисининг лакабидир.

Табиблар шифохонада навбат билан ишлардилар. Ҳар бир табибга муайян вақт тайинланган бўлиб, табиб ана шу вақтда касалларни кўрадиган хонасида ҳозир туриши керак эди. Ҳар бир касалхонада эркак ва аёллардан фаррошлар, ҳамшира ва ёрдамчилар бўларди. Уларга етарли микдорда маош белгиланганди. Яна ҳамма шифохоналарда «шаробхона» деб номланган дорихоналар бўларди. Уларда турли ичимликлар, нафис маъжунлар, тотли мураббolar, хилма-хил дори-дармонлар, бошқа ерда топилмайдиган қиммат атирлар мавжуд эди. Яна уларда жаррохлик асбоблари, шиша идишлар, сут махсулотлари ва факат подшоҳларнинг хазиналаридан топиладиган бошқа нарсалар ҳам бўларди.

Шифохоналарнинг ўзида тиббий маъҳадлар (институтлар) жойлашганди. Ҳар бир шифохонада мухозаралар килиш учун катта айвон бўлар, унда катта табиб (бош врач) билан бирга табиб ва талабалар дарс ўтказишарди. Ёнларида турли асбоб ва китоблар

бўларди. Касалларни текшириб, муолажаларини килиб бўлгандан кейин шогирдлар муаллимларининг хузурига келиб, устоз ва шогирд ўртасида тиббий мубохаса ва мунокашалар бошланарди. Китоблар ўқиларди. Кўпинча талабаларга амалий дарс касалларнинг хузурида ўтказиларди. Хозирги кунда шифохоналар ёнида жойлашган тиббиёт куллияларида шунга ўхшаш ҳолат бўляпти. Дамашкдаги Бемористони-Нурийда таълим олган Ибн Абу Усайбаъа шундай дейди: «Хаким Мухаззабиддин ва ҳаким Имрон Бемористондаги касаллар муолажасидан фориғ бўлишгунча бирга бўлдим. Шундан кейин шайх Розийюддин ар-Рахбий билан ўтираман ва касалларга қандай ташхис қўйишини, касалларнинг умумий ҳолатини тавсифлашини ва уларга ёзадиган муолажа усулларини кўраман ҳамда у билан касаллар ва уларни даволаш усуллари ҳақида мубохаса этаман».

Табибнинг ўз ҳолича муолажа этишига рухсат берилмасди. Бунгача у мамлакатнинг катта табиблари олдида имтихондан ўтади, шаҳодатнома олишни кўзлаган фани бўйича рисола тақдим этади (бу рисолада ўзи ёзган асар ёки катта тиб олимлари ёзган нарсаларга шарҳ ва изоҳлар бўлиши керак). Ва булар тўғрисида имтихон бўлиб, фанга тааллуқли ҳамма нарса сўралади. Уларга яхши жавоб берсагина, катта табиблар томонидан табобат билан шугулланишга рухсат берилади.

931 милодий (319 хижрий) йилда Халифа Муктадир замонида айрим табибларнинг хатоси туфайли бир одам вафот этади. Шунда халифа Бағдоднинг ҳамма табибларини қайтадан имтихон қилишга буйруқ беради. Уларни Бағдоднинг бош табиби Синон ибн Собит имтихон қилади. Бағдоднинг ўзида имтихон қилинган табибларнинг сони саккиз юз олти миш тўрттага етади. Бунга имтихон қилинмаган машхур табиблар, халифа, вузаро ва умаронинг табиблари қирмайди.

Шуни айтишни ҳам унутмаслик керакки, ҳамма шифохоналарда тиббиётга оид ва табиб ҳамда талабаларга керакли бошқа китоблар билан тўла кутубхоналар мавжуд эди. Айтишларича, Ибн Тулуннинг Кохирадаги шифохонаси кутубхонасида турли илмларга оид юз минг жилддан зиёда китоб бўлган.

Шифохоналардаги тартиботга келадиган бўлсак, даволаниш ҳамма учун бепул эди. Бу борада бой ва фақир, узок ва яқин, ақлли ва беақлнинг фарқи бўлмаган. Хаста келганда, аввал у ташки залда текширувдан ўтади. Агар касаллик енгил бўлса, унга ресепт ёзиб берилган ва дорилар шифохонага қарашли дорихона томонидан бепул берилган.

Агар касалнинг ҳолати шифохонада ётишни такозо қилса, унинг исми касалхона дафтарига қайд этилган. Сўнг хаста ҳаммомга кирган, унинг кийимлари ечиб олиниб, алоҳида жойга қўйилган ва унга касалхонанинг махсус кийими берилган. Кейин касаллар ётган хонага ётқизилган ва унга яхши жихозланган қаравот ажратилган. Касалхонага ётқизилгандан кейин табиб тайинлаган дори-дармонлар ва керакли микдорда сихатига мувофиқ озик-овкатлар берилган. Беморлар озукаси қўй, мол, товук ва турли қушлар гўшtidан тайёрланган. Касалнинг тузалиш аломати этиб, бир дафъада битта нон ва битта бутун товукни тўлик ейиши белгиланган. Агар муолажа ниятсиз етган бўлса, янги кийимлар ва ишлашга қодир бўлгунча етадиган микдорда маблаг берилган.

Шифохонанинг хоналари покиза бўлган, сувлар оқиб турган. Заллари жуда гўзал мебеллар билан жихозланган. Ҳамма шифохонанинг тозаланиш назорат қилиб турувчи тафтишчилари ва молиявий аҳолини текшириб турувчи назоратчилари бўлган. Кўпинча халифа ёки амирнинг ўзи касаллар аҳоли ва уларга қилинаётган муомаладан хабардор бўлиб турган.

Юкорида зикр килинган ҳолатлар Ислом оламида бино этилган ҳамма шифохоналарда – хох у Мағриб, хох Машрикда бўлсин, Бағдод, Дамашк, Коҳира, Қуддус, Макка, Мадина, Марокаш, Андалусда бўлсин – бир хил эди. Бу ўринда ана шу асрлардаги Ислом пойтахтларидан тўртта шаҳардаги тўрт шифохона ҳақида сўзлаш билан чекланамиз:

Биринчиси – Бағдоддаги Азудий шифохонаси.

Уни Азуд-давла ибн Бувайх 371 хижрий йилда қурдирган. Уни қуришдан олдин машҳур табиб Ар-Розий тунда Бағдоднинг тўрт томонига тўрт бўлак ғўшт осиб қўядилар. Эрталаб ғўшт қайси маконда яхши хидли сакланган бўлса, ўша жойда жуда катта маблаг эвазига шифохона қурилади. У ерда ишлашга йигирма тўрт табиб тайин этилиб, уларга керакли бўлган илмий кутубхона, дорихона, ошхона ва омбор берилди. 449 хижрий йилда халифа ал-Коим Биамриллах ушбу шифохонани янгилди ва топилиши қийин бўлган ичкилик ва дори-дармонларни жамлади. Қасаллар учун жихозлар, кўрпа-тўшаклар, хушбўй атирлар, вақф сувлари тақдим этди. Хизматчи, табиб ва фаррошлар ёллади. Ушбу шифохонанинг эшикбон ва кўрикчилари ҳам бор эди. Яна унда ҳаммом бўлиб, унинг атрофини турли мева ва сабзавотларни ўз ичига олган бог ўраганди. Сувдаги кемалар заиф ва камбағалларни таширди. Табиблар эртаю кеч беморларга навбат билан қарардилар.

Иккинчиси – Дамашкдаги Ан-Нурий ал-Қабийр шифохонаси.

Уни одил подшоҳ, султон Нуриддин аш-Шаҳид 549 хижрий/1154 милодий йилда Ғарб подшоҳларининг биридан фидя сифатида олган молга қурдирганди. Унинг биноти бутун мамлакат бўйлаб қурилган шифохоналар ичида энг ғўзали бўлганди. Султон уни фақат камбағал ва мискинларга, деб шарт қўйганди. Бойларга эса фақат даволамасликнинг иложи бўлмай қолгандагина рухсат бериларди. Ундаги суюқ ва қуюқ дориларнинг ҳаммаси бепул эди. 580 хижрий йилда унга қирган сайёҳ Ибн Жубайр шифохона табибларининг қасалларга бўлган эътиборини, ҳолларидан яхши хабардорлигини ва уларга керакли дори ва озуқаларни тайёрлашларини ижобий тавсифлайди. Яна у ерда рухий ҳасталар учун алоҳида бўлим бўлиб, унда жиннилар боғлаб қўйилишига қарамай, эътибор билан муолажа қилинар ва яхши овқатлантирилари.

Тарихчилардан бирининг зикр қилишича, 831 хижрий йилда фазилат, завқ ва латофат ахлидан бўлган бир аҷамий киши Дамашкни зиёрат қилибди. У Ан-Нурий шифохонасига кириб, табибларининг кўплиги, қасалларга яхши эътиборни ва ундаги озик-овқат, кўрпа-тўшак ҳамда ҳисоби йўқ латиқликларни кўрган пайтда табибларнинг билимини синамоқчи бўлибди. У ўзини қасалга солибди ва шифохонада уч кун қолибди. Табиббоши унинг қасалини аниқлаш учун бир неча маротаба қелибди. Унинг томирини ушлаб кўргач, қасал эмаслигини, фақат табибларнинг билимини синаш учун қелганини қилибди ва унга тотли таомлар, семиз товуклар, ширинликлар, ичимликлар ва турли мевалар беришни буюрибди. Сўнг уч кундан кейин унга қуйидаги сўзлар ёзилган қозонни тутқазишибди: «Бизда меҳмондорчилик учун қунир». Аҷамий бундан ўзининг мақсадини сезиб қолишганини ва бу муддат ичида шифохонада фақат меҳмон қилишганини тушунибди. Бу шифохона ўзининг улуг ишларини 1317 хижрий йилгача давом эттирди. Сўнг Ал-ўурабо шифохонаси бино қилинди. Ушбу шифохонага ҳозир Сурия жомесининг тиб қуллиёти эғалик қилади. Ан-Нурий шифохонаси бўлса, кейинчалик мадрасага айлантирилди.

Учинчиси – Ал-Мансурий ал-Кабир шифохонаси.

У Коловун бемористони номи билан машхур бўлиб, олдин амирлардан бирининг ховлиси эди. Султон Ал-Мансур Сайфуддин Коловун уни 683 хижрий (1284 мелодий) йилда шифохонага айлантирди. Унга йилига минг дирхам фойда берадиган вакф ажратиб кўйди. Шифохонанинг ёнига масжид, мадраса ва етимлар учун кутубхона курдирди. Айтишларича, буларни бино қилинишининг сабаби, Султон Ал-Мансур Коловун Аз-Зохир Бибрис замонида 1275 йили Рум газотига амир сифатида кетаётган пайтда Дамашкда касал бўлиб қолди. Ан-Нурий ал-Кабир шифохонасидан олинган дори-дармонлар билан табиблар уни муолажа қилишди ва у соғайди. Отига миниб, у шифохонани шахсан ўзи томоша қилди. Ундан ажаб ва хайратга тушиб, агар Аллох салтанатни насиб этса, шунга ўхшаш шифохона курдиришни назр қилди. Вақтиги, у султон бўлганда, бу ховлини танлаб сотиб олди ва уни шифохонага айлантирди. Бу шифохона танзим ва тартибда тилларда дoston бўлди. Унга қириш ва наф олиш эркак-у аёл, хуру кул, бойу камбагал – барчага баробар бепул эди. Ундан тузалиб чиққан касалларга қийим берилди. Вафот этганларни шифохона ҳисобидан тажхиз ва такфин қилиб дафн этилди. Унга тиббиётнинг турли соҳаларига қараб табиблар тайинланди. Шунингдек, касаллар хизмати учун, уларнинг жойларини тозалаш, қийимларини ювиш ва ҳаммомда ёрдамлашиш учун фаррош ва ходимлар ишга олинди. Бу иш шу даражада ташкил қилиндики, ҳар бир касалнинг хизматига икки киши ҳозир у нозир эди. Ҳар бир касал учун битта қаравот ва тўлик жихоз ажратилганди. Касалликнинг ҳар бир турига алоҳида жой белгиланганди. Яна табиббоши талабаларга таълим бериши учун алоҳида ўрин ҳозирланганди. Бундаги энг ажиб ҳол шифохонадан истифода этиш факатгина у ерда ётганларгагина ҳос бўлмай, балки уйда туриб муолажа истаган кишиларга ҳам қеракли ичимлик, таом ва дори-дармонни бериш йўлга қўйилганди.

Бу шифохона ўзининг инсоний вазифасини шу даражада қомил адо этдики, унда ишлаган кўз табибларидан бирининг айтишича, шифохонага касал бўлиб қириб, соғайиб чиқиб кетганларнинг ҳар қунги сони тўрт мингдан зиёда эди. Ундан соғайиб чиққан ҳар бир ҳастага қийим-кечак ва шифохонадан қиқа солиб оғир ишларни қилишга мажбур бўлмасин, дея нафақаси учун бир миқдор маблағ бериларди.

Булардан ҳам ажойиби, ҳар бир касалга бошқа касал ишлатмаган ҳос идишда овқат бериларди. Унинг усти маҳкам ёпилиб, шу ҳолда касалга етказилиши лозим эди. Яна ҳам ажойиби, сарик касаллигига қалинганлар алоҳида ҳонага ёлғиз ажратиб қўйиларди. Улар бу ҳонада босик қўшиқлар қуйини эшитиб, ором олардилар. Ёки қиссачилар айтиб берадиган қисса ва ҳикоялардан завқланишарди. Тузалиш арафасидаги касаллар уларга қулғили ривоятларни ўйнаб берардилар ёки миллий рақсларни ижро этардилар. Ёндош масжиднинг муаззинлари уларга бондод намозидан икки соат олдин саҳарлаб азон айтиб берардилар. Бедорлик ва бекорчилик қийнаган касалларнинг дардларини енгиллатиш учун майин овозда ашулалар айтиб туришарди. Бу ҳолат француз қўшинлари милодий 1797 йилда Мисрга қирғунларига қадар давом этди. Буларни француз олимлари ҳам ўз кўзлари билан қўрганлар ва у ҳақда ёзганлар. Тароблус шаҳрида қаройиб вакф мавжуд бўлган. Бу вакфнинг фойдаси икки киши учун берилиши белгиланганди. Уларнинг вазифаси қунда шифохоналарда юриб касалларга ҳолати яхшилангани, юзи қизариб, кўзлари қалнаётганини, бу эса тузалаётганлик аломати эканини тез-тез уқтириб туриш эди.

Тўртинчиси – Марокаш шифохонаси.

Уни Магрибдаги Муваххидийн подшоҳларидан амирул мўминин Ал-Мансур абу Юсуф курдирган. Шифохона Марокашдаги энг мўътадил мавзеъдаги катта майдонда жойлашган. Ал-Мансур курувчиларга уни жуда ҳам чиройли килиб, хафсала билан куришга, унда барча дарахтлардан, гуллардан ва сабзавотлардан экишга буюрди. Шифохонанинг ҳамма уйлари айланиб чиқадиган килиб сув окизилди. Яна кўшимча тўртта ховуз қурилди. Бирининг ўртасига ок мармар ишлатилди. Сўнг уни юнг, пахта, ипак ва теридан тайёрланган нафис жихозлар билан безалди. Ичимлик ва турли дори-дармонлар тайёрлаш учун дорихона бино қилинди. Касал учун кечасига алохида, кундузига алохида кишлоқ ва ёзлик кийимлар ҳозирланди. Бу ерда ҳам агар тузалган касал камбағал бўлса, унга то ишлагунча кифоя қилгулик нафақа тайинланди. Фарқи шуки, бу ерда бой одамга ҳам мол берилди, бу борада камбағал билан ажратилмади. Балки Марокашда касал бўлган ҳар қандай гариб унга келтириб муолажа қилинди. У то тузалгунча ёки вафот этгунча ушбу шифохонада бўлди. Амир шифохонага ҳар жума келиб, касалларни кўрар, хол-ахволлари ва табиб ҳамда ҳамшираларнинг муомалалари ҳақида сўраб-суриштирарди.

Ислом оламининг гарби ва шарқида ёйилиб ётган юзлаб шифохоналарнинг тўртта намунасини кўриб чиқиб айтиш мумкинки, ўша кунларда Оврўпа жаҳолат зулматида сарсон эди. Улар мусулмонларнинг шифохоналаридаги дақиқлик, покизалик ва олий инсоний туйғулардан бирор нарсани билмасди. Бу ўринда олмониялик шарқшунос Макс Маерхофнинг Ислом ҳазораси юксалган ўша замонда Оврўпадаги шифохоналар ҳолати ҳақида айтганларини келтирамиз: «Араб шифохоналари ва маъмур Ислом шаҳарларидаги соғлиқни сақлаш низоми бизга жуда каттик ва аччиқ дарс беради. Биз уларни ўша замондаги Оврўпа шифохоналарига енгилгина солиштирсак ҳам, ҳақиқий баҳолай оламиз».

Ислом оламидаги ўша фаровон замондан уч аср ўтса ҳамки, Оврўпа ҳали умумий шифохоналар маъносини билмасди. Агар ўн саккизинчи асргача касаллар уйларида ёки маҳсус ховличаларда даволанганлар, десак, муболага қилмаган бўламиз. Чунки ўша пайтгача Оврўпа шифохоналари маҳсус ховлиларда жойлашган бўлиб, бу ховличалар касал бўлсин, ожиз бўлсин, уй-жойсиз бўлсин, кишиларга бошпана вазифасини ҳам ўтарди. Бунга мазкур даврлардаги Оврўпа шифохоналарининг энг каттаси Париждаги Отел Дею очик мисол бўлади. Уни тавсифлаб Макс Тордо ва Теннонлар шундай дейишади: «Шифохонада 1200 дона қаравот бор. Ундан 486 донаси бир киши учун мўлжалланган. Қолгани эса (булардан биттасининг кенглиги беш кадам келарди) одатда учтадан олтитагача касалга мўлжалланганди. Катта заллари ҳаво қирадиган туйнуклар йўқлиги сабабли сассик, жуда ҳам зах ва доим қоронғу эди. Битта залда ҳар доим саккиз юз чоғли касал ерга узала тушиб, ҳона торлиқ қилганидан похол ёки полга устма-уст бўлар даражада тикилиб ётишарди. Бу ҳолдан одам эзилиб кетарди. Ўртача ҳажмдаги битта қаравотда ёш болалар кексалар билан, аёллар эркакларнинг ёнида эканини кўрасиз. (Ишонмаслигингиз мумкин, лекин бу ҳақиқат.) Йўлакдаги аёлни тифнинг иситмаси гардобиди ёниб, чангак бўлиб қолган бола билан ёнма-ён топасиз. Икковлари ҳам тери касаллигига қалинган одамнинг ёнида ётишарди. Уларга берилаётган таом ҳам

хаёлга келиши мумкин бўлган энг гариб нарсалар эди. Улар яна жуда ҳам кам микдорда ва бетартиб узок муддатда бериларди».

Бу аянчли тавсифга бирор нарса кўшимча қилишнинг ҳожати бўлмаса керак. Исломда мусулмонларнинг покиза, тоза бўлишларига, ҳамиша ҳар жойда пок юриш-туришларига катта эътибор билан қаралади. Чунки Аллоҳ таолонинг амри шундай! Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг насиҳатлари шундай! Сабаби Ислом дини покизалик, гўзаллик устига қурилган. Шариатимиз покиза одамдан ифлослик, разиллик чиқмайди, дуоСИ ижобат бўлади, деб ҳисоблайди. Поклик – мўминнинг кўзгуси. “Поклик – иймондандир”, деганлар жаноби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Ислом мусулмонларнинг тоза, пок бўлишларини таъминлашда энг майда-чуйда “икир-чикир”ларгача аралашган. Пайгамбаримиз алайҳиссалом суннатлари орқали бу соҳадаги йўл-йўрик ва кўрсатмаларни тарғиб қилади.

Аллоҳнинг мўмин зиммасидаги ҳаққи етти кунда барча аъзосини тўла ювиб, гусл қилишдир. Динимизда эр-хотин муносабатидан кейин, булганиб қолганда ҳам гусл қилиш вожиб амал ҳисобланади. Мўйловларни қискартириш, тирнок олиш, қўлтиқ ва қиндик ости мўйларини тозалаш, хатна қилдириш, мисвок тутиш каби ишлар мусулмонларга шарт қилиб қўйилган.

Оғиз-тишларни тоза тутишга алоҳида эътибор берилган. Ароқ дарахтининг шохчаларидан тайёрланган маҳсус тиш тозалаш воситаси – мисвокдан фойдаланиш суннатдир. Пайгамбар алайҳиссалом: “Тишларингизни мисвок билан тозалаб юринглар ва тозалikka одат қилинглар”, “Агар умматимга машаккат бўлмаганида эди, ҳар намоздан олдин мисвок қилишга (яъни, тиш тозалишга) буюрар эдим”, деб таълим берганлар. Жаноби Расулulloҳнинг (с.а.в.) бу кўрсатмалари бежизга бўлмаган. Мисвок текшириб қўрилганда, унда қўплаб фойдали ва хушбўй моддалар борлиги аниқланди. Ваҳоланки, ҳозирги замонавий тиш чўтқалари Гарбда 1806 йилдан урфга қира бошлаган. Мусулмонлар қунига бир неча марта ювиниб, тозаланадилар. Ҳафтасига албатта ҳаммомда ёки уйларида гусл қиладилар. Қийимларини, ховли-жойларини, ибодат ўринларини тоза тутадилар. Чунки бу – Исломнинг талаби. Ислом эса – тозалик дини, назофат дини, покизалик эса – диннинг ярмидир.

Мусулмонлар тозалик ҳақида ана шундай бош қотириб юришганида, Оврўпада қишилар ювинмасдан, йилига бир марта пахтани хўллаб артинишган, чўқинтириш пайтидаги маҳсус “вафтиз” сувининг таъсири кетиб қолмасин, деб сувдан сесканишган. Хаттоки, машҳур Версал саройида умуман ҳожатхона бўлмаган. Ўрта асрлар Франциясида сарой ва театрларнинг бирортасида ҳожатхона бўлмаган бир пайтда Истанбулда 1400 га яқин шундай жой бўлган.

Ўша пайтларда Оврўпада оқар сувда, ҳаммомларда ювиниш нималигини билишмасди. Аммо шу даврда Марказий Осиёга сафар қилган сайёҳлардан бири Самарқанд шахрига шундай таъриф берганди: “Шаҳарда қарвонсаройлар иккита, машҳур ҳаммомлар учта бўлган. Улардан иккитаси “Хўжа Аҳрор ҳаммомлари”, учинчиси эса Ҳаммоми Мирий, деб аталган”. 1558 йили Бухорога сафар қилган инглиз сайёҳи ва тарихчиси Антокий Женкинсон ўз хотираларида шундай деб ёзган: “23 декабрда Бактрия еридаги Бухоро шахрига қелдик. Шаҳар жуда катта, уйларнинг қўпи лойдан қилинган, аммо шаҳарда тош уйлар, шохона қурилган ва олтин суви билан нақшланган масжид-мадрасалар ҳамда миноралар ҳам қўп. Айниқса, ҳаммомлар шунақанги қўрқам қурилганки, дунёда бунақасини учратмагандим. Уларни таърифлашга анча вақт кетади”.

Ўн олтинчи асрда Ҳолландия элчиси Барон де Бусбек Усманийлар мамлакатига

сафаридан сўнг шундай деган экан: “Э, бу одамларнинг касал бўлиши аник. Баликлар каби сувда “шалоп-шулуп” килиб ювинишади. Шунчалар ҳам кўп ювиниш мумкинми?” Хаммомларни кўятурайлик, Усмонли салтанат шаҳарларида биздаги сардобаларга ўхшаш, ҳар бири санъат даражасига кўтарилган юзлаб чашмалар (замонавий тахоратхоналар) бўлган.

Иброҳим Рафиқнинг “Тарих шуури” китобида ёзилишича, Валий лакабли Боязид иккинчи ҳукмронлиги даврида Истанбулга Масков князининг Михаил Плачнет исмли элчиси ташриф буюрган. Ундан ёкимсиз хид анкиб тургани сабабли уни ювинтириш учун хаммомга олиб боришган. Умрида хаммомни кўрмаган элчи ювинишга, ич кийимларини алмаштиришга кўниқолмай, хаммомдан кочиб чиққан ва тезда Истанбулни тарк этган. 1600 йилларда Испания инквизицияси мусулмонларни оммавий киргин қилгани тарихдан маълум. Гарб тадқиқотчиларининг қундаликларида ёзилишича, жохил ҳукмдорлар мусулмон испанларни тозалигига, кўлтик ости мўйларининг олинганига қараб, насронийлардан ажратиб қатл қилган экан.

Мусулмонлар нафакат тозаликда, кийиниш, овқатланиш маданияти соҳасида ҳам оврўпаликларга ўрнак бўлишган. Биргина овқатланиш хусусида Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўнлаб ҳадислар ворид бўлган. У зоти бобаракот умматни кўп таом ейишдан қайтарганлар. Бунинг зарарлари ва оқибатларини бугунги кунда ҳозирги тиббиёт фани ҳам, одамлар ҳам яхши тушуниб қолишди.

Пайгамбар алайҳиссалом кечкурун ётишдан олдин сув ва таом солинган идишлар устини ёпишни, синик, дарз, лаби учган идишларни ишлатмасликни буюрганлар. Ўша жойларда турли зарарли нарсалар (микроблар) бўлишини ҳали заррабин (микроскоп) қашф этилмасдан ўн тўрт аср аввалдан кўра билганлар. У зот овқат олдидан ва кейин қўл ювиш, овқатга пуфламаслик, хотиржам, ўтириб овқатланиш, таомни иссиғича истеъмол қилмасликка ҳам тарғиб қилганларки, буларнинг ҳаммасида ҳам ҳикмат бор.

Ваҳоланки, Гарбда овқатланиш соҳасидаги маданият жуда орқада эди. Биргина мисол келтириб ўтиш қифоя: ўрта асрларда Бранденбург шахзодаси аслзодаларни ўз саройидаги зиёфатга чорлар экан, таклифномага: “Гўшт егандан кейин суякни орқага отиш йўқ, ёғли оғизни енг билан артиш йўқ, товокни кўтариб, остига тупуриш йўқ”, деб изох ёзишга мажбур бўлган экан. Хатто, ҳозирда Гарбдаги кўпгина ўлкаларда бўлганимизда, оврўпаликларнинг жамоат жойларида, хатто, дастурхон устида бемалол рўмолчага бурун қоқётганларини, хамманинг қўз ўнгида тиш қавлаётганларини, овоз чиқариб, бетартиб овқатланишларини кўриб, хайратимиз ошганди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ана шуларнинг ўзиёқ, Ислом ҳазораси Гарб ҳазорасидан анча илгор бўлиб келганини исботлаб турибди.